

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д. Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
М. Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
З. Раҳимов, Д. Гуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М. Ғаниев	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....	176
М. Хамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р. Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И. Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д. Тўраева	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н. Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
Н. Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х. Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М. Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш. Хасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г. Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
Л. Галимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н. Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У. Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З. Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З. Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х. Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
	ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
Адабиётимиз фидойиси	241

Ботир Зиёев), **"Эслаб-эслаб"** (Раъно Жўраева ва Алишер Бадалов), **"Хайрли оқшом"** (муаллиф ва бошловчи Бахтиёр Тўраев) каби кўрсатувлар шулар жумласидан. **"Маҳаллада дув-дув гап"** (бошловчилар Гавҳар Зокирова ва Самандар Ҳамроқулов) кўрсатувида эса жамиятдаги долзарб масалалар тилга олинади. Мунозара шаклидаги бу кўрсатувда соҳа вакиллари, мутахассислар ва жамоатчилик студияда масалани муҳокама қилишади. **"Севимли кун"** (Раъно Алимова, Самандар Ҳамроқулов ва Ҳуснора Шодиева) тонги дастури эса кўнгилочар характерга эга. Номлари келтирилган бошловчиларнинг ўзбек адабий тилда ўз фаолиятини олиб бориши бошқа тележурналистларга намуна даражасидадир. Ажнабий номларни танламаслик борасида соҳа мутахассисларига тушунтириш берилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки,

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Нестеренко Ф.П. ва бошқалар // Луғат-маълумотнома: журналистика, реклама, паблик рилейшнз: 1700 атама. –Т., 2003.
4. "Аудиовизуал журналистиканинг назарияси ва амалиёти: таълим, билим ва амалий тажриба масалалари. –Т., 2015.
5. Дўстмуҳаммад Х. Жамият олдидаги масъулият. –"Ўзбекистон матбуоти" журнали. -2016 йил 1-сон.

(Тақризчи: Ш.Искандарова — филология фанлари доктори, профессор).

ТУРЛИ ТИЛЛАРДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИ ҲАҚИДА
ОБ ЭКВИВАЛЕНТАХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В РАЗНЫХ ЯЗЫКАХ
ABOUT THE EQUIVALENTS OF PHRASEOLOGISMS IN DIFFERENT LANGUAGES

Х.Убайдуллаев¹

¹ Х.Убайдуллаев

— ФарДУ ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада турли тилларда қўлланиладиган фразеологизмларнинг ўзбек тилидаги эквивалентлари хусусида фикр юритилган.

Аннотация

В статье рассматриваются узбекские эквиваленты фразеологизмов, используемых в разных языках.

Annotation

In the article the Uzbek equivalents of phraseologisms used in different languages are discussed.

Таянч сўз ва иборалар: матн, фразеологизм, муаммо, таржима, эквивалент, оғзаки нутқ, қийинчилик, компонент, лугат, воқеа-ҳодиса.

Ключевые слова и выражения: текст, фразеология, проблема, перевод, эквивалент, устная речь, сложность, компонент, словарь, событие.

Keywords and word expressions: text, phraseology, problem, translation, equivalent, oral speech, difficulty, component, vocabulary, event.

Бадий матнларда қўлланилган фразеологизмларни таржима қилишда бир қатор муаммоларга дуч келинади. Фразеологизмларни бир тилдан иккинчи тилга тўғри таржима қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ибораларни сўзма-сўз таржима қилиш мумкин эмас. Тилдаги мос эквивалентни топишда эса таржимондан катта маҳорат талаб этилади.

Хорижий тил фразеологизмлари таржима қилинаётган тил ўқувчисининг она тилисига таржима қилиш услублари асосида берилади.

Таржимон фразеологик эквивалентлардан фойдаланганда, таржима қилинаётган бирликлар ўзининг маъносини сақлаб қолади. Чет тилларидаги айрим иборалар ўзбек тилидаги эквивалентларига мазмун ва ифода шаклига кўра тўлиқ мос тушиши мумкин. Масалан:

• *mit dem Feuer spielen* – *играть с огнём* – олов билан ўйнашмоқ; [5, 386]

• *die Zunge klebt am Gaumen* – *язык прилип к гортани* – тили танглайига ёпишиб қолди; [1, 38]

• *eine scharfe Zunge haben* – *быть острым на язык* – тили ўтқир;

• *j-n wie seinen Augapfel behüten* – *беречь [хранить] как зеницу ока* – кимнидир кўз қорачиғидай асрамоқ;

• *die Nase hoch tragen* – *задирать нос, важничать* – бурни кўтарилмоқ;

• *das Eisen schmieden solange es heiß ist* – *куй железо, пока горячо* – темирни қизиғида босмоқ;

• *wie Hund und Katze zusammenleben* – *ит мушук бўлиб яшамоқ*.

Бундай ибораларни ўқиш, оғзаки нутқда қўллаш, тушуниш, таржима қилиш жараёнларида ортиқча қийинчиликка дуч келинмайди.

Бундан ташқари, немис тилидаги айрим иборалар ўзбек тилида тўлиқ бўлмаган эквивалентларга эга, яъни сўз, фразеологизм таркибидаги бирор-бир компонент бошқа сўз билан алмашиб қолган бўлади.

Масалан: *eine Schlange am Busen nähren* – *пригреть змею на своей груди* – сўзма-сўз “қўйнида илон боқмоқ” деб таржима қилинса, оғзаки нутқда эса “қўйнида илон сақламоқ” деб қўлланилади.

Немис тилидаги фразеологизмларнинг аксарият қисми немис тилида сўзлашувчилар нутқида, ижодкорларнинг асарларида, илмий ишларида ва суҳбатларида муваффақият билан қўлланилади. Аммо бошқа тилларда жумладан, ўзбек тилида ибораларнинг кўп бўлишига қарамай доим ҳам немис тилидаги у ёки бу ибораларга мазмунан мос тушадиган эквивалентни топиб бўлмайди. Масалан:

• *Das fünfte Rad am Wagen – пятое колесо к телеге – аравинг бешинчи ғилдирағи. Kai und Andrea gehen zusammen essen und haben mich gefragt, ob ich mitkommen wolle. Ich habe aber dankend abgelehnt, denn ich wäre ja doch nur das fünfte Rad am Wagen.* [10]

• *Ikarusflug – полет икара - Икарнинг парвози (грек мифологиясидан)*

• *Auf Sand bauen – строить на песке, seine Pläne sind auf Sand gebaut — его планы построены на песке; его проекты беспочвенны – қум устига қурмоқ*

• *Luftschlösser bauen (unrealistische Pläne machen) – строить воздушные замки – самовий қасрлар қурмоқ*

Юқордаги каби сўз ва иборалар ўзбек тилида учрамаганлиги сабабли ушбу ибораларни луғатлар ёрдамида таржима қилиш мақсадга мувофиқ, лекин шунда ҳам унинг маъноси тўлиқ ҳамда аниқ тушунилмай қолиши мумкин. Бунинг асосий сабаби ўзбек тилида мос эквивалентнинг йўқлигидир.

Шу билан бирга ўзбек тилида ҳам мазмун жиҳатдан мос келадиган ибораларнинг эквиваленти йўқ эмас. Масалан:

„*Hier ist die Stell, wo ich sterblich bin*“ - *кончатся мои возможности; здесь я бессилён* [4,44] каби ибораларни ўзбек тилига “баданнинг нозик жойи” ҳамда “ўладиган жой” деб таржима қилиш мумкин.

Die Achillesferse - ахиллесова пята, уязвимое место (грек мифологиясидан)

“Achillesferse” (“Ахиллнинг товони”) иборасининг келиб чиқиши кўпчиликка маълум. Ахиллес (Achilles) — юнон афсоналарида Троя уруши даврида Трояни қамал қилган «Илиада» қаҳрамонлари ичида энг ботири. Денгиз маъбудаси Фетида ўғли Ахиллесни ўлмайдиган қилиш учун товонидан ушлаб, Стикснинг муқаддас сувига ботириб олган, шу тариқа Ахиллеснинг сув тегмай қолган товони заиф мучаси бўлиб қолган. Париснинг мўлжаллаб отган ўқи Ахиллеснинг товонига тегиб, уни ҳалок қилади. «Ахиллес товони», яъни заиф жой ибораси шундан пайдо бўлган [3, 814].

Шуни эътиборга олиш керакки, ҳар бир тилнинг ўз иборалари мавжуд бўлиб, улар қайси тилда бўлмасин бир воқеа-ҳодисани, бир характер хусусиятини ва бир нарса-предметни ифодалай олиши мумкин. Уларнинг асосий фарқи шакли, келиб чиқиш шарт-шароитлари ва вақтидагина бўлиши мумкин.

Бир тилда қанотли сўз ва ибора ҳисобланган нарса иккинчи тилда мақол бўлиши, учинчи тилда матал бўлиши ва яна

бир бошқа тилда ҳикматли сўз деб аталиши мумкин. Бу нарса эса шу сўз ёки иборани ривожланишнинг қайси даражасида турганлигига боғлиқ.

Қанотли сўз – тилга муайян адабий ёки тарихий манбадан кириб келган ўткир сўз ёки бирикма. Бундайин ўткир бирикмалар таъсирчанлиги юқори бўлиб, улар одатда жамоат арбоблари нутқлари, юсак санъат даражасидаги бадиий асарлардан олинган иқтибослардан олинади. Қанотли сўзлар сўзловчининг оғзидан тингловчининг қулоғига гўё қанот қоқиб боради [8, 62].

Таржимадаги тўла муқобил фразеологизмлар ҳар иккала тилда ҳам бир хил семантик ва синтактик структурага эга бўлиб, нутқда бир хил маънони англатади. Таржимада тўла муқобил фразеологизмларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) структурал-семантик муқобил фразеологизмлар;

б) семантик муқобил фразеологизмлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи фразеологизмларнинг структуравий тузилиши ҳамда семантик маънодагилиги бир хил бўлиб икки ёки ундан ортқ тилларда тўла мутаносибликка эгадир. Масалан:

• *Keine Grenze kennen – не знать предела (бут безграничным) – чегарани билмаслик;*

• *Klipp und klar – ясно, недвусмысленно – аниқ ва равшан;* [9]

• *Jmdn den Kopf verdrehen – кружить голову кому-либо – кимнидир бошини айлантирмоқ;* [7, 694]

• *von Kopf bis Fuß – с ног до головы – бошдан оёқ* [6,309].

Кейинги гуруҳга кирувчи семантик муқобил фразеологизмлар икки тилда ҳам бир хил маънога эга бўлиб, фақатгина компонентларнинг тўла ёки қисман мос келмаслиги билан характерланади. Масалан:

• *mir reißt die Geduld - у меня лопается терпение – тоқати тоқ бўлмоқ;*

• *Im Gänsemarsch gehen – идти гуськом – турнақатор бўлиб, олдинма-кетин, тизилишиб, кетма-кет бормоқ;* [11,43]

• *Auf großen Füße leben – жить на широкую ногу – пичоғи мой устида бўлмоқ* [2,27].

Қандай ҳоллар фразеологиянинг қайси қатламларида уларнинг объектлари бир-бирига мувофиқ келади, бунинг сабаби ва оқибатлари нимадан иборат? Қуйидаги ана шу масалалар атрофида фикр юритилади. Таржимада бирикманинг асосий омили